



МИННАТДОРЧИЛИК САТРАЛАРИ

КОШКИ БУ ДУНЁ...

Ассалому алайкум, муҳтарам муҳаррир!

Авалло Сиз муҳаррирлик қилаётган «Постда» рўзномасини уйимизнинг доимий меҳмони эканини ва уни барча оила аъзоларимиз севиб мутолаа қилишини айтиб ўтмоқчимиз. Бу сўзларимизни зинҳор иши тушганда, бошига мушкул ёғилганда, шунчаки тилғамалик қилишяпти-да, деган мазмунда тушунмаслигинингизни ўтинамиз. Рўзномангиз қисқа фурсат ичида ўқинишли нашрлардан бирига айлангани, унинг саҳифаларида чуқур таҳлилий, қизиқарли, одамларнинг кўзини очадиган, ҳушёрликка чорлайдиган, бевосита бошдан дўшпини олиб ўйлаб кўришга мажбур қиладиган мақолалар босилаётгани бизни фақат қувонтиради.

Жиноятчиликка қарши кескин кураша оладиган, ўз ҳаётини тикиб бўлса ҳам, одамларга осойишта турмуш бахш этишга қодир, адашганларни йўлга соладиган, ўғри, зўравон, ҳар қандай қотил ва босқинчининг пайини қирқишга тайёр турган мард ва танги, жасоратли милиционерларимиз, қилни қирқ ёрадиган терговчиларимиз борлигини биз мана шу «Постда» рўзномаси орқали ўқиб билишимиз. Унинг келажакда янада халқчил, холис ва мустақил нашр бўлишига ишонамиз. Шунга тилакдошимиз.

Яқинда бошимизга бир фалокат тушган эди. Гап шундаки, шу йилнинг 22 ноябрь куни бизнинг Нодира исмли тўққиз ёшли қизимиз туманимиздаги 116-тажриба ўрта мактабга ўқишга кетиб (нимани тажриба қилишди ўзи, билмаймиз) қайтиб келмади. Эрталаб кетиб, одатда ўқишлари тугагач, соат 11-12 ларда келгувчи эди. Хуллас, ана келар, мана келар, деб кечгача кутдик. Йўқ. Осмонда ҳам, ерда ҳам йўқ. Бундай пайтда ота-онанинг дунёси қоронғи бўлиб кетиши аниқ. У ёққа югурдик, бу ёққа чопдик, қўни-қўшниллар, таниш-билиш, қариндош-урулардан суриштирдик, ҳеч ким кўрдим демайди. Охири, ноилж Акмал Икромов тумани ички ишлар бўлимига нажот излаб бордик. Бу ерда бизни жуда самимий, хайрихоҳлик билан кутиб олишди.

Бўлимда биричи учраган кишимиз жиноят қидирув бўлимига бошлигининг ўринбосари милиция капитани Зикрилла Қаюмов бўлди. Босиқ, одамшаванда йигит экан. Қизимизнинг аниқ белгиларини билиб олиб, бир пасда телефонда шаҳар бўйлаб қидирувга бериб юборди. Орадан кўп вақт ўтмади. Ҳақиқат «пульт»да милиция майори Владимир Александрович Поляков навбатчи эканлар.

У киши ёнларига чорлаб, хотиржам бўлишимизни, қизимизнинг дарага чиққанини, у ҳозир пойтахтимизнинг Новомосковская кўчасида жойлашган 56-нон дўкониде — ишончли кишилар ҳузурда сақланаётганини айтишди. Шу чоқ айрилиқ, қалбимизни қамраб олган ғам-андух ёшлари бир олам қувончга айланди. Дўконга қандай етиб келганимизни билмаймиз.

Хайрият, биз қизимиз билан эсон-омон дийдор кўришни бахтига муяссар бўлдик. Дўкон сотувчиси Мастура Қосимованинг бизга айтган гапи шу бўлди:

— Нечқурун ишга келаятган эдим (дўконимиз кечаю-кундуз ишлайди). 3-трамвайда бурчакка сиқилиб, қалин папка кўтарган бир қизчанинг юм-юм йиғлаб тургани эътиборимни тортди. Гап қўшсам, ҳеч нарса демади. Трамвайдан тушириб, ўзим билан дўконга олиб келавардим. Овқатлан-тирдим. Қанд-курс билан сийладим. Бу ерда ҳам аниқ манзилгоҳини эслай олмади. Ҳатто мактабини ҳам айтиб беролмади. Дафтарларида бу ҳақда бирон белги қайд этилмаган экан. Чала-чулла гапларига қараганда, Тақачи деган жойда яшашини, ўша жойдан 15-трамвайга ўтириб, кейин бошқасига алмашиб, адашиб қолганини, ака-укаларининг кўплигини билиб олдим холос. Бошим қотиб, «02» га хабар бердим...

Ҳурматли муҳаррир. Бўлган гап шу. Рўзномангиз орқали халоскор милиция ходимлари — милиция капитани З. Қаюмов, милиция майори В. Поляковга, дўконнинг оққўнғил сотувчиси Мастураҳонга бўлган чуқур миннатдорчилигимизни рўзномангиз орқали билдиришга ижозат этарсиз, деган умиддамиз.

Туман ИИБ жиноят қидирув бўлимига эпчил ва топқир, мард ва ҳалол йигитлар хизмат қилишаётганини рўзномангиз орқали биламиз. Бошимизга иш тушиб, бунга ўзимиз ҳам ишонч ҳосил қилдик. Милиция катта лейтенантлари Исмоил Асадов, Элчин Алекперов, Қодиржон Қўзиевлар одамлар дардини олишга тайёр кишилардан эканлар. Бундай ишчан ва аҳил жамоага бошчилан қиладиган туман ички ишлар бўлими бошлиғи милиция подполковниги Тоҳир Нишонович Бойматовга ҳам раҳмат.

Қизимизни бағримизга қайтаришда жонбозлик кўрсатган сиз — барча азизларга яна бир марта чин қалбдан миннатдорчилик билдираюмиз. Қанийди бу дунё фақат яхшилардан, эзгу ишлар, ҳалол ва мард одамлардан иборат бўлса...

Эҳтиром билан
Муборак ОРТИҚОВА,
қаҳрамон она.
Эшқул ҲАЙДАРОВ.

ЖУРНАЛИСТЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Яқинда Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Жумҳурияти адлия вазирининг таклифи билан ташриф буюрган олти мустақил давлат адлия вазирларининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Утган ҳафтанинг 7 декабрь куни эса вазирлар йиғилиш мақсадлари ва якуни ҳақида гапириб бериш учун Олий Суд биносида оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашдилар.

Матбуот анжумани бошланганидан олдин журналистлар яна бир воқеанинг шохиди бўлишди. Қирғизистон адлия вазир Усуп Муқамбоев ва Ўзбекистон адлия вазир Муҳаммад-Бобур Маликов икки

мустақил давлат ўртасида ўзаро ҳуқуқий ёрдам, ахборотлашув, ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги битимни имзоладилар.

Шундан сўнг Туркменистон адлия вазир Шомухаммад Хўжамбердиев, Озарбайжон адлия вазир Алисааб Сафтар ўғли, Тожикистон адлия вазирининг ўринбосари Халифа-бобо Ҳамидов, Беларусь адлия вазир Леонид Дашук ўртоқлар аввалига ўз ҳудудларида олиб боришаётган ишлари, ютуқ ва муаммолари ҳақида маълум қилишга, журналистларнинг турли саволларига жавоб бердилар. Жумладан, А. Одиловнинг иши устидан олиб борилаётган суд

жараёни ҳақидаги саволга адлия вазир М. Маликов ушбу иш кўриладиган пайтда Жумҳуриятимиз ҳали мустақилликка эришмаганлиги, суд жараёнининг тугашига санақли кунлар қолганлиги сабабли ишни яна қайта бошламаслик учун олдинги суд ҳайъати уни давом эттириши мақсадга мувофиқлигини айтди. Шунингдек, вазирлар ҳуқуқий маданиятнинг, ҳуқуқий билимнинг қуйи даражада турганлигини ҳам алоҳида таъкидладилар.

Анжуманда вазирлар ҳар томонлама ўзаро ҳамкорлик қилишга келишиб олганликларини билдирдилар.

Э. САТТОРОВ.



СУРАТДА: милиция капитани Ҳамидулла Салимовнинг Коммунистик тумани ички ишлар бўлимида хизмат қиладиганига ҳадемай ўн йил тўлади. Бу ўтган вақт ичида Ҳамидулла ўзининг тиришқоқлиги, меҳнатсеварлиги билан сафдошлари орасида хийла танилиб қолди. Айни кунларда у давлат автомобиль назорияти бўлинмасида взвод командири бўлиб ишлаб келаятир.

«ҚЎРИҚЛАШ» БИРЛАШМАСИ ХАБАР ҚИЛАДИ

БУХОРО ВИЛОЯТИ БУЙИЧА

БУХОРО вилояти Тўқимачилик тумани ИИБ ҳузурдаги қўриқлаш бўлимининг 2-марказлашган соқчилик пулти соат 22 дан 55 минут ўтганда хабар олди.

Навбатчи инспектор милиция лейтенанти Н. Бозоров, милиционерлар К. Ешиев ва Ю. Айтматовлар «Барс» лақабли хизмат ити билан воқеа жойига етиб келишди. Туман савдо тармоғига қарашли 11-дўконга тунда келган «харидор» Ҳиндистон фуқароси Али Ҳусан экан.

Шу туманда жойлашган 31-дўконга тушган ўрта мактаб ўқувчиси эса «Тоника-310», «Фильна-3111» магнитофонларини, «Янтарь», «Луч» белгилли соатларни ва 238 сўм пулни ўмариб қочмоқчи бўлганида соқчилар томонидан ушланди.

ТУНГИ соат 2 ларда постларни текшириб юрган милиция сержанти Х. Уринов 5 нафар шубҳали шахсларга дуч келди. Сержант вақтин боч бермай қўшни постдаги ҳамкасбларини ёрдамга чақирди. Натъжада Бухоро ПМК-сига тегишли 7 минг сўмлик тайёр маҳсулотларини ўмариб кетаётган ўғриллар жиноят устида қўлга олиндилар.

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ БУЙИЧА
САМАРҚАНД шаҳар 2-ми-

лиция бўлинмасининг қўриқлаш гуруҳи ходимлари тунда сумка орқалаган йўловчинини тўхтатишди. Унинг сумкасида 94 дона, жами 2162 сўмлик микрокассеталар чиқди. Текширишлар бу нарсаларнинг овоз ёзиш студиясидан ўғирланганини тасдиқлади.

ТАСАРРУФИДАГИ ҳудудни айланиб чиқаётган Самарқанд вилояти ИИБ ходимлари милиция катта лейтенанти А. Қурбонов, милиция сержанти К. Бердимуродов ва Р. Назаровлар «Москвич-412» белгилли автомобилнинг тўхтатишди. Улов ҳайдовчиси 2-нон комбинатининг қоровули экан. Юкхона очилганда, нон комбинатидан уйига ташиб кетилаётган 55 килограмм шакар, 20 килограмм олий навали маргарин, 12 килограмм хантал мойи, 30 дона тухум, 29 қўти печенье турарди.

ШАҲАРНИНГ 2-милиция бўлинмаси ходимлари милиция капитани С. Ҳамроқулов, милиция старшинаси Юнусов, милиция катта сержанти Хантов, милиция сержанти Имомовларнинг диққатини «ГАЗ-24» улови тортди. Тонги соат 6 да кимсасиз кўчада шиддат билан келаятган машина тўхтатиб текширилди. Улов юкхонасидан 90 килограмм хинд чойи хуш буй тартиб турарди. Пулга чақил-

ганда, 1440 сўмлик маҳсулот давлатга қайтарилди.

БОҒИШАМОЛ туманида жойлашган 46-дўконга тушган олий билимгоҳ толиб қопга каттагон гилламини жойлаштириб, ташқарига олиб чиққанида, уни милиция ходимлари кутиб турарди. Хайриятки, дўконга ташвишгоҳ ўрнатилган экан.

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ БУЙИЧА

УЗЛАРИ ишлаб турган корхонадан 200 дона лаган ва 186 дона косани орқалаб кетаётган икки ишчи Риштон тумани ИИБ ҳузурдаги қўриқлаш бўлими ходимлари томонидан тўхтатилди.

ТОШЛОҚ тумани ПМКсидан ўғирланган 16 дона 6 метрли қувурлар эса «харидорини» топишга улгурмади.

ҚУРЛАР жамияти корхонасининг қоровули А. Холматовнинг зийраклиги туфайли ушбу корхонага қарашли автоуловнинг эҳтиёт қисмларини ўмараётган шахс ушланди.

Қўриқлаш бўлими ходимлари милиция капитани З. Ашуров, милиция катта лейтенанти А. Фуломов ва милиция сержанти Ш. Абдукаримовнинг эпчил ҳаракатлари боис жиноятчи «иш» устида қўлга тушди.

Э. РАҲМАТОВ,
милиция майори.

ЮТУҚЛАР ЭТАСИНИ КУТМОҚДА

Наманган район ижроия қўмитаси ички ишлар бўлимининг 1991 йилда чиқарган «Тартибот» пул-буюм лотереясининг

РАСМИЙ ЖАДВАЛИ

(Тираж 1991 йил 23 ноябрда Тошбулоқдаги маданият саройида ўйналди. Қуйидаги рақамларга ютуқлар чиқди).

Серия рақамлари	Билет рақамлари	Ютуққа чиққан буюмларнинг номи ва пул ютуғининг миқдори	Ютуққа чиққан буюмнинг нархи (сўм, тийин)	Серия рақамлари	Билет рақамлари	Ютуққа чиққан буюмларнинг номи ва пул ютуғининг миқдори	Ютуққа чиққан буюмнинг нархи (сўм, тийин)
000185	01	Болалар велосипеди	312-50	003158	10	Болалар велосипеди	312-50
002138	01	300 сўм пул ютуғи	—	003553	10	1000 сўм пул ютуғи	—
002150	01	300 сўм пул ютуғи	—	006927	10	2x3 ҳажмдаги палос	143-64
008835	01	Чок тикиш машинаси	206-64	007146	10	300 сўм пул ютуғи	—
009482	01	Автоприёмник «Тонор»	282-24	007495	10	300 сўм пул ютуғи	—
010000	01	«Феррари» япон автомагнитоф.	1260-00	008402	10	300 сўм пул ютуғи	—
000143	02	300 сўм пул ютуғи	—	008429	10	300 сўм пул ютуғи	—
002351	02	300 сўм пул ютуғи	—	009586	10	300 сўм пул ютуғи	—
002519	02	Болалар велосипеди	312-50	002163	11	300 сўм пул ютуғи	—
004792	02	300 сўм пул ютуғи	—	003898	11	Чок тикиш машинаси	206-64
005537	02	1000 сўм пул ютуғи	—	004386	11	Болалар велосипеди	312-50
005819	02	«Москвич-412» автомашинаси	12949-00	005254	11	2x3 ҳажмдаги палос	143-64
007699	02	«Россия» стерео магнитофони	568-26	006124	11	300 сўм пул ютуғи	—
008082	02	1000 сўм пул ютуғи	—	006199	11	300 сўм пул ютуғи	—
010000	02	Чок тикиш машинаси	206-64	007110	11	Болалар велосипеди	312-50
001999	03	Автоприёмник «Тонор»	282-24	008391	11	1000 сўм пул ютуғи	—
005131	03	300 сўм пул ютуғи	—	008658	11	300 сўм пул ютуғи	—
006018	03	Болалар велосипеди	312-50	009376	11	Болалар велосипеди	312-50
006366	03	1000 сўм пул ютуғи	—	009886	11	500 сўм пул ютуғи	—
007486	03	300 сўм пул ютуғи	—	010000	11	20000 сўм пул ютуғи	—
007592	03	«Урал» велосипеди	307-78	003004	12	300 сўм пул ютуғи	—
007606	03	5000 сўм пул ютуғи	—	001103	12	«Урал» велосипеди	307-78
007609	03	«Горизонт» рангли телевизор	1278-00	003019	12	300 сўм пул ютуғи	—
000294	04	Болалар велосипеди	312-50	004218	12	«Морозко» совуткичи	113-40
001436	04	«Урал» велосипеди	307-78	005319	12	Болалар велосипеди	312-50
002425	04	300 сўм пул ютуғи	—	007212	12	300 сўм пул ютуғи	—
002511	04	300 сўм пул ютуғи	—	007401	12	Болалар велосипеди	312-50
002900	04	«Снежинка» совитгичи	790-02	010000	12	1000 сўм пул ютуғи	—
006272	04	Болалар велосипеди	312-50	001337	13	Болалар велосипеди	312-50
008257	04	«Снежинка» совитгичи	790-02	001833	13	«Морозко» совуткичи	113-40
009890	04	«Соната» магнитофони	643-61	003718	13	Болалар велосипеди	312-50
009927	04	2x3 ҳажмдаги палос	166-32	006254	13	«Урал» велосипеди	307-78
001816	05	Болалар велосипеди	312-50	007199	13	1000 сўм пул ютуғи	—
002883	05	500 сўм пул ютуғи	—	009756	13	300 сўм пул ютуғи	—
003796	05	Болалар велосипеди	312-50	009882	13	Болалар велосипеди	312-50
004341	05	Болалар велосипеди	312-50	010000	13	1000 сўм пул ютуғи	—
008436	05	Болалар велосипеди	312-50	001070	14	Болалар велосипеди	312-50
009488	05	300 сўм пул ютуғи	—	001288	14	300 сўм пул ютуғи	—
009687	05	300 сўм пул ютуғи	—	001375	14	Болалар велосипеди	312-50
000721	05	300 сўм пул ютуғи	—	004632	14	BM-12 видеомагнитофони	4725-00
010000	05	Болалар велосипеди	312-50	005843	14	5000 сўм пул ютуғи	—
002294	06	Болалар велосипеди	312-50	006259	14	10000 сўм пул ютуғи	—
002938	06	300 сўм пул ютуғи	—	007313	14	300 сўм пул ютуғи	—
003268	06	Болалар велосипеди	312-50	007523	14	Болалар велосипеди	312-50
004196	06	10000 сўм пул ютуғи	—	008936	14	300 сўм пул ютуғи	—
007631	06	300 сўм пул ютуғи	—	009198	14	«Урал» велосипеди	307-78
009777	06	1000 сўм пул ютуғи	—	009474	14	«Урал» велосипеди	307-78
000929	07	1000 сўм пул ютуғи	—	009939	14	300 сўм пул ютуғи	—
001357	07	1000 сўм пул ютуғи	—	010000	14	Болалар велосипеди	312-50
002441	07	2x3 ҳажмдаги палос	166-32	000591	15	500 сўм пул ютуғи	—
004359	07	Болалар велосипеди	312-50	000621	15	300 сўм пул ютуғи	—
004571	07	300 сўм пул ютуғи	—	002368	15	Болалар велосипеди	312-50
008804	07	500 сўм пул ютуғи	—	003313	15	«Урал» велосипеди	307-78
010000	07	Автоприёмник «Тонор»	282-24	004415	15	Болалар велосипеди	312-50
000547	08	300 сўм пул ютуғи	—	004688	15	1000 сўм пул ютуғи	—
000811	08	300 сўм пул ютуғи	—	006331	15	300 сўм пул ютуғи	—
002007	08	300 сўм пул ютуғи	—	007337	15	500 сўм пул ютуғи	—
002671	08	300 сўм пул ютуғи	—	007407	15	500 сўм пул ютуғи	—
004321	08	300 сўм пул ютуғи	—	007625	15	300 сўм пул ютуғи	—
004900	08	500 сўм пул ютуғи	—	007968	15	300 сўм пул ютуғи	—
004953	08	300 сўм пул ютуғи	—	008080	15	«Урал» велосипеди	307-78
007757	08	300 сўм пул ютуғи	—	008019	15	1000 сўм пул ютуғи	—
008262	08	20000 сўм пул ютуғи	—	008103	15	«Восход-3 М» мотоцикли	1350-72
010000	08	Чок тикиш машинаси	206-64	008315	15	«Морозко» совутгичи	113-40
001143	09	300 сўм пул ютуғи	—	008406	15	Болалар велосипеди	312-50
001693	09	BM-12 видео магнитофони	4725-00	010000	15	300 сўм пул ютуғи	—
004604	09	10000 сўм пул ютуғи	—	000383	16	300 сўм пул ютуғи	—
004729	09	BM-12 видео магнитофони	4725-00	000799	16	«Восход-3 М» мотоцикли	1350-72
005961	09	1000 сўм пул ютуғи	—	000893	16	Болалар велосипеди	312-50
006087	09	Болалар велосипеди	312-50	001144	16	300 сўм пул ютуғи	—
007944	09	300 сўм пул ютуғи	—	004115	16	1000 сўм пул ютуғи	—
008661	09	BM-12 видео магнитофони	4725-00	004204	16	300 сўм пул ютуғи	—
009379	09	300 сўм пул ютуғи	—	004413	16	Болалар велосипеди	312-50
009906	09	300 сўм пул ютуғи	—	004763	16	300 сўм пул ютуғи	—
010000	09	1000 сўм пул ютуғи	—	005011	16	1000 сўм пул ютуғи	—
001040	10	«Горизонт» рангли телевизор	1278-00	008153	16	300 сўм пул ютуғи	—
001180	10	500 сўм пул ютуғи	—	010000	16	300 сўм пул ютуғи	—
001357	10	Болалар велосипеди	312-50	001166	17	«Снежинка» совутгичи	790-02
001376	10	1000 сўм пул ютуғи	—	001953	17	2x3 ҳажмдаги палос	143-64

Серия рақамлари	Билет рақамлари	Ютуққа чиққан буюмларнинг номи ва пул ютуғининг миқдори	Ютуққа чиққан буюмнинг нархи (сўм, тийин)	Серия рақамлари	Билет рақамлари	Ютуққа чиққан буюмларнинг номи ва пул ютуғининг миқдори	Ютуққа чиққан буюмнинг нархи (сўм, тийин)
002266	17	300 сўм пул ютуғи	—	006934	25	Болалар велосипеди	312-50
002598	17	300 сўм пул ютуғи	—	007125	25	300 сўм пул ютуғи	—
002791	17	300 сўм пул ютуғи	—	007639	25	Болалар велосипеди	312-50
004634	17	300 сўм пул ютуғи	—	007989	25	300 сўм пул ютуғи	—
005603	17	1000 сўм пул ютуғи	—	008725	25	1000 сўм пул ютуғи	—
005791	17	300 сўм пул ютуғи	—	010000	25	«Морозко» совуткичи	113-40
007639	17	«Феррари» япон автомагнитофони	1260-00	001417	26	«Феррари» япон автомагнитофони	1260-00
007728	17	Болалар велосипеди	312-50	003409	26	1000 сўм пул ютуғи	—
008482	17	Болалар велосипеди	312-50	003746	26	Болалар велосипеди	312-50
009005	17	300 сўм пул ютуғи	—	006044	26	Болалар велосипеди	312-50
009064	17	300 сўм пул ютуғи	—	006859	26	«Горизонт» рангли телевизор	1278-00
010000	17	300 сўм пул ютуғи	—	007048	26	300 сўм пул ютуғи	—
000811	18	500 сўм пул ютуғи	—	009672	26	«Восход-3 М» мотоцикли	1350-72
001838	18	Болалар велосипеди	312-50	001478	27	1000 сўм пул ютуғи	—
004897	18	Болалар велосипеди	312-50	001900	27	300 сўм пул ютуғи	—
005684	18	1000 сўм пул ютуғи	—	003428	27	Болалар велосипеди	312-50
005976	18	«Москвич-412» автомашинаси	12949-00	004174	27	Болалар велосипеди	312-50
006352	18	Автоприёмник «Тонор»	282-24	007332	27	Болалар велосипеди	312-50
007887	18	500 сўм пул ютуғи	—	008101	27	2x3 ҳажмдаги палос	143-64
008213	18	1000 сўм пул ютуғи	—	008257	27	300 сўм пул ютуғи	—
009131	18	5000 сўм пул ютуғи	—	008259	27	300 сўм пул ютуғи	—
009393	18	300 сўм пул ютуғи	—	001980	27	Болалар велосипеди	312-50
010000	18	1000 сўм пул ютуғи	—	001235	28	300 сўм пул ютуғи	—
000404	19	1000 сўм пул ютуғи	—	006293	28	300 сўм пул ютуғи	—
000656	19	Болалар велосипеди	312-50	006881	28	ВМ-12 видеомагнитофони	4725-00
000685	19	«Морозко» совуткичи	113-40	006991	28	«Россия» магнитофони	568-50
001175	19	300 сўм пул ютуғи	—	007714	28	Болалар велосипеди	312-50
003843	19	300 сўм пул ютуғи	—	007902	28	«Горизонт» рангли телевизор	1278-00
004102	19	300 сўм пул ютуғи	—	008838	28	1000 сўм пул ютуғи	—
004865	19	300 сўм пул ютуғи	—	009011	28	Чок тикиш машинаси	206-64
006324	19	300 сўм пул ютуғи	—	009893	28	«Урал» велосипеди	307-78
007633	19	«Горизонт» рангли телевизор	1278-00	010000	28	ВМ-12 видеомагнитофони	4725-00
008060	19	300 сўм пул ютуғи	—	000287	29	Болалар велосипеди	312-50
009967	19	500 сўм пул ютуғи	—	000678	29	«Урал» велосипеди	307-78
010000	19	Болалар велосипеди	312-50	001165	29	Болалар велосипеди	312-50
000007	20	300 сўм пул ютуғи	—	002243	29	300 сўм пул ютуғи	—
000922	20	«Тонор» автоприёмниги	282-24	003316	29	«Урал» велосипеди	307-78
002278	20	300 сўм пул ютуғи	—	005122	29	300 сўм пул ютуғи	—
003130	20	1000 сўм пул ютуғи	—	006117	29	Болалар велосипеди	312-50
003160	20	«Соната» магнитофони	643-61	006719	29	«Горизонт» рангли телевизор	1278-00
003377	20	Чок тикиш машинаси	206-64	008147	29	300 сўм пул ютуғи	—
004452	20	«Снежинка» совуткичи	790-02	009335	29	300 сўм пул ютуғи	—
004689	20	«Восход-3 М» мотоцикли	1350-72	009445	29	300 сўм пул ютуғи	—
005964	20	5000 сўм пул ютуғи	—	010000	29	1000 сўм пул ютуғи	—
006391	20	ВМ-12 видеомагнитофони	4725-00	000719	30	10000 сўм пул ютуғи	—
009290	20	Чок тикиш машинаси	206-64	001088	30	500 сўм пул ютуғи	—
009539	20	300 сўм пул ютуғи	—	002178	30	300 сўм пул ютуғи	—
001280	21	Болалар велосипеди	312-50	002215	30	«Морозко» совуткичи	113-40
001801	21	ВМ-12 видеомагнитофони	4725-00	002983	30	300 сўм пул ютуғи	—
001966	21	300 сўм пул ютуғи	—	003191	30	1000 сўм пул ютуғи	—
001957	21	ВМ-12 видеомагнитофони	4725-00	003728	30	25000 сўм пул ютуғи	—
003687	21	300 сўм пул ютуғи	—	004650	30	1000 сўм пул ютуғи	—
006195	21	300 сўм пул ютуғи	—	005059	30	Болалар велосипеди	312-00
006865	21	Болалар велосипеди	312-50	005503	30	300 сўм пул ютуғи	—
007557	21	«Жигули» ВАЗ-21061 автомаш.	18000-00	006554	30	«Соната» магнитофони	643-61
001178	22	Болалар велосипеди	312-50	006675	30	«Соната» магнитофони	643-61
001599	22	«Горизонт» рангли телевизор	1278-00	007004	30	1000 сўм пул ютуғи	—
003114	22	Болалар велосипеди	312-50	007216	30	300 сўм пул ютуғи	—
003744	22	300 сўм пул ютуғи	—	010000	30	300 сўм пул ютуғи	—
004678	22	«Феррари» япон автомагнитофони	1260-00				
004158	22	300 сўм пул ютуғи	—				
005737	22	300 сўм пул ютуғи	—				
006449	22	300 сўм пул ютуғи	—				
008346	22	«Морозко» совуткичи	113-40				
009211	22	1000 сўм пул ютуғи	—				
009360	22	1000 сўм пул ютуғи	—				
009883	22	«Снежинка» совуткичи	790-02				
010000	22	300 сўм пул ютуғи	—				
000341	23	300 сўм пул ютуғи	—				
002884	23	Болалар велосипеди	312-50				
003474	23	Болалар велосипеди	312-50				
005292	23	Болалар велосипеди	312-50				
006078	23	1000 сўм пул ютуғи	—				
007120	23	1000 сўм пул ютуғи	—				
007235	23	«Морозко» совуткичи	113-40				
007279	23	1000 сўм пул ютуғи	—				
008543	23	1000 сўм пул ютуғи	—				
010000	23	«Горизонт» рангли телевизор	1278-00				
002792	24	1000 сўм пул ютуғи	—				
010000	24	«Феррари» япон автомагнитофони	1260-00				
001724	25	1000 сўм пул ютуғи	—				
002781	25	«Морозко» совуткичи	113-40				
003628	25	300 сўм пул ютуғи	—				
004060	25	«Морозко» совуткичи	113-40				
006181	25	25000 сўм пул ютуғи	—				

ЮТУҚЛАРНИ ОЛИШ ТАРТИБИ:

1. Наманган район ички ишлар бўлими «Тартибот» пул-буюм лотереяси билетларига чиққан ютуқларнинг ҳамма қиймати бевосита район ички ишлар бўлимининг ўзида тўланаверади.
 2. Ютуқ эгалари ютуқ чиққан лотерея билетларини кечи билан 1992 йил 1 апрелгача топшириб, ютуқларни олиши керак. Шу муддатдан кейин лотерея билетлари ютуқ тўлаш учун қабул қилинмайди.
 3. Наманган район ҳудудидан ташқаридаги барча районлар, вилоятлар ҳамда республикаларнинг мазкур тираж бўйича ютуқ эгалари ҳам ўз ютуқларини бевосита Наманган район ички ишлар бўлиминдан оладилар.
- Мазкур жадвал ютуқ эгаларига расмий ҳужжат бўлиб, пул-буюм ютуқлари рўзноманинг навбатдаги сони чиққандан кейин тўланаверади.
- Агар буюм ютуғи чиққан лотерея билетларининг эгалари буюмни нақд пул билан олишни хоҳласалар, уларга лотерея шартларига биноан ютуқнинг қиймати тўланади.
- Тираж комиссиясининг раиси — халқ депутатлари Наманган район Совети ижроия қўмитаси раисининг ўринбосари:
- Ҳ. ИКРОМОВА.**
- Тираж комиссиясининг котиби:
- У. АБДУЛЛАЕВ.**

ЯХШИ ТАЖРИБА-КУПЧИЛИК МУЛКИ

ЛОТЕРЕЯ ҲУҚУҚ-ТАРТИБОТ ХИЗМАТИДА

Қўп минбарлардан турли даражадаги ички ишлар идоралари раҳбарлари тилидан милициянинг моддий-техника таъминоти ёмонлиги ҳақида аччиқ ҳақиқат янрайди. Очирини айтиш керак, уни бу аҳволдан қутқаришга қаратилган қарорлар ижроси кўнгилдагидек эмас.

Жиноят олами эса милиция куч йиғиб олсин, кейин беллашамиз, деб турмайди. Бунга ҳар қуни юз бераётган қотилик, қаттиқ тан жароҳати етказиш, босқинчилик, талончилик сингари оғир жиноятлар гувоҳлик бермоқда.

Ҳўш, унда хонадонлар осойишталиги, кўчалар тинчлигини сақлаш учун нима қилиш керак? Ҳуқуқ-тартибот посбонлари кучига куч қўшини мақсадида қандай чоралар кўрсатилди? Аҳир, бозор иқтисодиёти пайтида ҳар бир тинчлигини санашга ўрганаётган ҳўжа-

лик, ташкилотлар ёрдамига кўз тикиш ўзин алданган бошқа нарса эмас. Вугун ҳар ким ўзининг аравасини тортипти.

Наманган тумани ички ишлар бўлими бошлиғи милиция подполковниги Рустам Аббосов милиция газнасига пул туширишда антиқа йўл тутди. Аввало уddaбурон раҳбар банкда туман ИИБ учун ҳисоб очилишига эришди. Кейин бу ҳисобдаги пул ўлчамини билдирадиган рақамлар сонини ошириш борасида бош қотирди. Шулардан бири «Тартибот» пул-буюм ютуқ лотереясини ташкил этиш бўлди.

Р. Аббосовнинг бу таклифи айрим маҳаллий раҳбарларга осмондан тош ёрилгандай ажабтовур туюлди. Қаринлиқка учраган ИИБ бошлиғи бўш келмади. Туман милицияси фаолиятини жонлантиришга 500 минг сўм пул кенраклиги ҳақидаги ҳужжатларни

ўша раҳбарларга тақдим этганидан сўнг муз кўчди.

1991 йил январидан бошлаб лотерея согувга чиқарилди. Ҳар донаси 3 сўмлик лотерея чиптасидан 250 мингтаси ютуқ иштиёқманларни томонидан харид қилинди. Тушган маблағнинг 50 фоизи ютуққа сарфланди, қолган қисми туман ИИБ ҳисобига ўтказилди.

Ютуқлар орасида 25 минг, 20 минг, 10 минг, 5 минг сўм пул, 3 та энгил автомашина, 10 дона видеомагнитофон, кўплаб ҳолодильник, рангли телевизор, мотоцикл ва бошқа камёб моллар бор эди. Шу йил 26 ноябрда лотерея ўйналди. Ютуқлар бахтли эгаларига топширилмоқда.

Лотерея ўйналишидан туман ИИБга теккан пул эса хайрли мақсадларга ишлатилмоқда. Бу йил Наманган тумани ИИБ 8 та автотранспорт, диктофон, ксеркс,

компьютерлар сотиб олди. Шунингдек, ходимларни моддий рағбатлантириш имконияти ҳам ошди.

— Биз фақат ўз ходимларимизни эмас, балки туманимизда содир бўлган жиноятларни фош этишда кўмаклашган бошқа туман ва шаҳар ИИБ ходимларини ҳам тақдирлаб боришимиз, — дейди милиция подполковниги Р. Аббосов. — Маблағ топширининг бу йўли бизни дуч келган идорага бош эгиб боришдан халос этди. Шунинг учун келгуси йили ҳам «Тартибот» лотереяси ўзинини ўтказамиз.

«Постда» рўзномаси «Тартибот» пул-буюм ютуқ лотереяси жадвални эълон қиларкан, Наманган тумани ИИБ тажрибаси қилларнидир қизиқтириб қолар деган умидда.

Ғ. БОЛТАБОВЕВ.

АКС-САДО

БУ ЖУВОННИ КЎРГАНМАН

Минглаб одамлар қатори мен ҳам рўзномаларнингизнинг ашаддий мухлисман. Утиб бораётган йилда уни ҳар бир сонини жуда қийинчилик билан топиб ўқияман. Шу сабабдан ҳам келгуси йил учун биринчилар қаторида обунга бўлдим.

Майли, мен ҳозир баён қилмоқчи бўлган воқеа бу ҳақда эмас. Рўзноманинг 7 ноябрь сонини ўқиб, роса икки кун ўйландим. Уша сонда бир фирибгар аёлнинг сурати ва у ҳақида мақола босилган экан. Суратдаги кишини қаердадир кўргандай бўлдим, ўйлаб қарасам, уни кўргангиз роса уч йил бўлиб қолган экан.

Воқеа бундай бўлган эди. 1988 йил декабрь ойининг охириги ўн кунлиги бўлиб, ҳаво жуда совуқ эди. Эрталаб Тошкентнинг «Жанубий» шоҳбекатида поезддан тушдим. Мақсадим янги йилга бозор қилиб, тезроқ Кўқонга қайтиш эди. Керакли нарсаларни олиб, тушга яқин «Шимолий» шоҳбекатга келдим. Чипта олиб қарасам, ихтиёрида тўрт соатга яқин вақт бор экан. Нима қилишни билмай олган нарсаларимни юкхонага ўқиб, ресторанга кирдим. Қўқонлиб ўтирган эдим ёнимга иккита милиция ходими келди. Қаерга кетаётганимни сўрашди. Айтдим. Ҳужжат сўрашди. Ёнимда ҳеч нарса йўқ эди. Навбатчи хонасига олиб киришди. У ердан паспортим йўқлиги, озроқ кайфим борлиги учун бўлимага жўнатишди. Бўлимда мени ертўлага қамаб қўйишди. У ердаги наватчи милиционерлар душанба кунгача бўлимда ҳеч ким бўлмастлигини, шу сабабли шанба ва яшанба кунлари ҳам шу ерда ўтиришимни айтишди.

Хуллас камерада саккиз киши эдик. Мен билан ўтирганларнинг деярли ҳаммаси Урсия томондан келган даядилар эди. Кечки овқат вақтида бир ёш жувон чой тарқатди. Мендан у-бу нарсаларни сўраган бўлди. Чойдан кейин йўлакни супуриб чиқди. Ва яна мени суриштира бошлади. Иш жойим, уйимни сўради. Узини эса беқободлик Роҳила [Робия деган бўлиши ҳам мумкин, аниқ эсимда йўқ] деб таништирди. Айтишига қараганда, бувиси билан турар экан. Турмушга чиқиб, иккита фарзанд кўриб, иккаласи ҳам турмагач, эри билан ажралишибди.

Мени душанба кунини қўйиб юборишди. Лекин у ерда бўлган уч куним ичида бу аёлни бир неча бор кўрдим. Чой тарқатар, у ёқ-бу ёқни супураб, идиш-товоқ ювиб юрарди. Бу ўша сиз суратини берган аёл эди.

Уйлайманки, «Шимолий» темирйўл шоҳбекати ИИБ ходимлари бу аёлнинг шахсини тезда аниқлайдилар. Ахир, уларда 1988 йилнинг декабрь ойида келтирилганлар рўйхати бўлса керак-ку. Бу ишда уларга омад, содда Мақтуба холага эса сабр-тоқат тиланман.

Қосимжон СОЛИЕВ,
Кўқон шахри.

ЭЪЛОН

Тошкент шаҳар Ҳамза туманидаги 204-ўрта мактабни 1989 йил тугаллагани ҳақида Реброва Лилия Борисовна номига берилган ўрта маълумот тўғрисидаги А № 191673 рақамли етуклик аттестати йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Нодир қобилият

РАСМАЛРИ Э. РАХМАТОВ ЧИЗГАН

Агар бу одамларнинг ҳақиқий исм-шарифларини айтиб берсак, унда ҳаммасининг ҳам ҳаётини хавф остида қолдирамиз. Чунки уларнинг тилини тийиб қўйишни хоҳловчилар дарров топила қолади.

Зеро, бу одамлар ўзларининг олдиндан кўра билиш, бошқача сўз билан айтганда, башорат қилишдек ноёб фазилатларини хавфли, аммо зарур бўлган жиноят қидирув касбига ёрдам бериш мақсадига йўналтиришган.

...1987 йил. Ялтада Н.нинг ҳалокати тафсилотларини аниқлаш юзасидан олиб борилаётган тергов ишлари боши берк кўчага кириб қолди. Бу одамни бирор ўлдириб кетганми ёки у бахтсиз ҳодиса қурбоними? Ана шу саволларга топиладиган жавоблар кўп нарсаларни ойдинлаштириши


Шуниси қизиқки, башоратчиларнинг ишлаши учун, албатта, иссиқ чой, жилла курси, қайноқ сув бўлиши зарур. Айтишларига қараганда, қайноқ сувдан бирикки хўплаб туриш зарур тўлқинни «ушлаб олишларни»га ёрдам бераркан. Қолгани эса илҳомга боғлиқ эмиш.

1988 йил. Тегишли идоралар қалбаки ҳужжатлар тайёрлаш билан шуғулланувчи номаълум кимсани қидиришмоқда. Бироқ МЖҚ (Москва жиноят қидируви) ихтиёридаги далилий ашёлар бор-йўғи бир неча қалбаки паспорт ва гувоҳнома-лардангина иборат. Улар қидирилаётган шахснинг турар-жойини, яъни Москва яқинидаги қишлоқлардан бирининг номини, жиноятчининг ташқи кўринишини ва ҳаттоки, унинг таниш-би-



лим. Ким эканликлари очилиб қолишдан чўчишлари ҳам бежиз эмас. Чунки хорижий мамлакатлардаги криминалист-башоратчилар ҳам шундай қилишяпти-да аслида. Ўзининг ўта нодир қобилияти билан 13 та қотилликни фош қилган, бедарак йўқолган болалардан 50 нафарини топиб берган американик уй бекаси Дороти Элисон Кўшма Штатлар бўйлаб қилган сафарларида ФҚБ соқчилари билан юрар экан. Бундай одамнинг ҳаёти доимо хавф остида бўлиши турган гап. Нидерландиялик башоратчи эса Альдо Моро иши билан шуғулланажанини айтгандан сўнг фонжа юз берди. Кўп ўтмай унинг ўлиги топилди.

Криминалист-башоратчиларнинг қобилияти масофани писанд қилмайди. Шундай воқеа ҳам бўлганки, бир сафар совет башоратчилари Парижда йўқолиб қолган одамнинг ҳолатини Москвада туриб аниқ айтиб беришган. Эҳ-ҳе, уларнинг ҳар қайсиси қанчадан-қанча илтимосларни бажармаган дейсиз? Светлана (аёллардан бирининг исминини шундай дея қолайлик) ўзига таниш бўлган бир аёлга у чет эл паспортини қаерга қўйганлигини кўрсатиб берибди. Яна нима денг.



мумкин эди. Терговчилар мазкур жумбоқни ҳал этиб беришни сўраб, экстрасенсларга, яъни башоратчиларга мурожаат қилишди. Уларнинг олдига марҳумнинг бош суягини келтириб қўйишди. Шунда башоратчиларнинг жавоблари бир хил қилди. Улар ҳеч қандай қотиллик бўлмаган, Н. дарё ёқалаб велосипедда кетиш пайтидаги эҳтиётсизлиги сабабли ҳалок бўлган, дейишди. Бундан ташқари улар марҳумнинг ёшини ҳам тўғри аниқлашди, ташқи қиёфаси, таржиман ҳолининг энг асосий тафсилотларини мукамал тасвирлаб беришди.

Айтилган гапларнинг ҳар бири терговда тасдиқланди. Ҳа, мана уч йилдирки, улар деярли ҳар ҳафтада бир марта Москва марказидаги эски ҳашаматли уйга йиғилишади. Шунини ҳам айтиш керакки, бу ерга махсус рухсатнома билангина кириш мумкин. Башоратчилар атиги уч киши: иккита аёл ва бир эркек. Улар қидирувдаги ёки гунодор шахсга алоқадор буюм келтириб қўйилган стол теварагига ўтиришади, сўнг ҳамма вақт ушбу гуруҳ билан иш олиб борадиган ишончли одам уларга вазиятни баён этгач, башоратчилар ишга киришадилар. Бирини бошлади, иккинчиси унинг фикрини қувватлайди, тўлдирди, учинчиси баҳсга қўшилиди...

Хуллас, улар бири иккинчисининг ҳатосини тузатиб, сўзини тўлдириб, ўз фикрини маъқуллаб, баҳс давомида маълум бир шахснинг яхлит қиёфасини вужудга келтиришади.

лишларини ҳам батафсил айтиб беришди. Шундан кейин жиноятчи тез орада ушланди.

Башоратчилар маълумотлар қаердан ва қандай тарзда пайдо бўлишини ҳамда уларни қандай йўсинда тушуниб олишларини изоҳлаб беришга ожиздилар. Бунга ажабланмаса ҳам бўлади. Нега дейсизми? Ўзининг биронта шондан яратган образларини қаердан олганлигини тушунтириб беришни илтимос қилинг-чи, нима деркин?..

1988 йил. Милиция ходимларига эски «танишлари» Р.нинг қаерда ва нима-лар билан машғул эканлигини аниқлаш зарур бўлиб қолди. Башоратчилар унинг истиқомат жойини — Шимолий Кавказдги шаҳарлардан бирининг номини, у ерда нима ишлар қилиб юрганлигини... фотосуратига қараб туриб айтиб беришди. Натижада тайёргарлик кўриладиган жиноятнинг олди олинди.

Бу одамлар ўз имкониятлари туфайли катта доврўқ қозониб, шон-шўхратга бурканиб, муҳтожлик кўрмасдан бамайлихотир яшайверилари мумкин эди. Бироқ, нафсиламбирини айтганда, улар яширин ҳаёт кечиршиб, жиноятчилигининг мудҳиш оламига оид ишлар устида бош қотирмоқдалар. Ваҳоланки, улар терговчиликни ўзига касб қилиб олган одамлар эмас. Биттаси — нафақахўр, иккинчиси — илмий тадқиқотчи, учинчиси эса — муал-

Муҳаррир
Зокир ОТАЕВ.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700029, Тошкент, Лопатин кўчаси, 1.
Ўзбекистон Жумҳурияси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни
босмахонаси. 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Телефонлар: муҳаррир — 54-37-91,
муҳаррир ўринбосари — 39-77-23,
муҳбирлар бўлими — 59-26-56,
умумий бўлим — 59-21-21.

«ПОСТДА» — («НА ПОСТУ») Орган коллегии МВД Республики Узбекистан
26078 нусхада чоп этилди.